



The concept and significance of the objective aspects of the crime of HIV/AIDS transmission

Izzatullo RUZIEV¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2025

Received in revised form

15 September 2025

Accepted 25 September 2025

Available online

15 October 2025

Keywords:

crime,
objective side of the crime,
corpus delicti,
criminal liability,
endangerment,
transmission,
transmission,
HIV infection.

ABSTRACT

This article focuses on the objective aspects of the crime of exposing others to the risk of HIV infection or transmitting HIV, as stipulated in parts 4 and 5 of Article 113 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. The author, having conducted a scientific analysis of the term "distribution" used in the title of this article from both medical and lexicographical perspectives, argues for the necessity of replacing "distribution" with "exposing to the risk of infection or transmitting". Furthermore, considering that part 4 of this article does not differentiate between the varying degrees of social danger posed by "exposing to the risk of infection" and "transmitting", and that the punishments imposed for this crime lead to a violation of the principle of justice, the author justifies the need to establish separate provisions for the responsibility of "exposing to the risk of HIV infection" and "transmitting HIV".

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss9/S-pp613-621>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятининг объектив томон белгилари тушунчаси ва аҳамияти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят,
жиноятнинг объектив томони,
жиноят таркиби,
жиноий жавобгарлик,
юқтириш хавфи остида қолдириш,
юқтириш,
тарқатиш,
ОИВ инфекцияси.

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддаси 4 ва 5-қисмларида назарда тутилган ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жиноятининг объектив томонига бағишланган. Муаллиф мақолада ушбу модданинг номланишида қўлланилган "тарқатиш" сўзини, тиббиёт жиҳатдан ва изоҳли луғатларни илмий таҳлил қилиб, "тарқатиш" сўзини "юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш" сўзлари билан алмаштириш заруратини

¹ Doctoral Student, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: izzatillo.ruziyev1993@gmail.com

асослаган. Шунингдек, ушбу модданинг 4-қисмида “юқтириш хавф остида қолдириш” ёки “юқтириш”нинг ижтимоий хавфлилиги даражаси турлича эканлигини ҳамда мазкур жиноят учун тайинланадиган жазолар одиллик принципининг бузилишига олиб келаётганлигини ҳисобга олиб, “ОИВ касаллигини юқтириш хавф остида қолдириш” учун жавобгарликни алоҳида “ОИВ касаллигини юқтириш” учун жавобгарликни алоҳида қисмларда белгилаш лозимлиги асосланган.

Понятие и значение признаков объективной стороны преступления распространения ВИЧ-инфекции/СПИДа

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

преступление,
объективная сторона
преступления,
состав преступления,
уголовная
ответственность,
оставление под угрозой
заражения,
заражение,
распространение,
ВИЧ-инфекция.

Данная статья посвящена объективной стороне преступления, связанного с созданием угрозы заражения или заражением ВИЧ-инфекцией, предусмотренного частями 4 и 5 статьи 113 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. В статье автор, проведя научный анализ слова «распространение», используемого в названии этой статьи, с медицинской точки зрения и на основе толковых словарей, обосновал необходимость замены слова «распространение» словосочетанием «создание угрозы заражения или заражение». Также, учитывая различную степень общественной опасности «создания угрозы заражения» и «заражения», а также то, что наказания, назначаемые за данное преступление, приводят к нарушению принципа справедливости, автор обосновал необходимость определения ответственности за «создание угрозы заражения ВИЧ-инфекцией» и «заражение ВИЧ-инфекцией» в отдельных частях статьи.

Жиноят ҳуқуқи таълимотида жиноятнинг объектив томони жиноят таркибининг муҳим элементи ҳамда жиноятларни бир-биридан ажратиш турувчи асосий мезон сифатида қаралади. Айниқса, жиноятнинг объектив томони жиноят қонуни билан ҳимоя қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ёки уларга таҳдид солувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томонини ифодаловчи белгилар мажмуасидан иборатдир.

Бу жиноят таркибининг шундай элементлари, у жиноят содир этилиши жараёнида бевосита намоён бўлади ва нисбатан осон аниқланади. Жиноий қилмишнинг объектив томонини таҳлил қилмасдан туриб, шахснинг ҳаракатида жиноят мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин эмас.

И.М. Тяжкованинг таъкидлашича, жиноятнинг объектив томони – бу жиноятнинг ташқи жиҳати бўлиб, у объектив воқеликда муайян шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни тавсифловчи ташқи белгилар мажмуасини ифода этади [1].

Жиноят таркиби объектив томони – бу ижтимоий хавфли тажовузни ташқи жиҳатдан тавсифловчи, жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган объектга зарар етказувчи зарур ва етарли белгилар мажмуасидир. Шу нуқтаи назардан, ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятининг объектив томонини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 113-моддасининг 4-5 қисмларида назарда тутилган жиноятнинг объектив белгилари бир қанча зарурий белгиларни ўз ичига олади, жумладан:

1) ижтимоий хавфли қилмишлар яъни:

а) бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ушбу касалликни юқтириш (4-қ.);

б) шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш (5-қ.).

2) бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказишда ифодаланиладиган ижтимоий хавфли оқибат.

3) юқорида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш.

ЖК 113-моддасида белгиланган жавобгарликнинг ижтимоий хавфлилиги икки шаклда белгиланган, яъни: ОИВ касалликни юқтириш хавфи остида қолдириш ҳамда ОИВ касаллигини юқтириш. Ушбу тушунчаларни алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

ОИВ касалликни юқтириш хавфи остида қолдириш деганда, бошқа шахсга жинсий алоқа қилиш ёки бошқа усулларда ушбу инфекцион касаллик кўзғатувчиларини бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлган шароитни яратиш тушунилади.

Таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш маълум оқибатларни келтириб чиқаргани учун эмас, балки вирус ташувчи (айбдор) маълум алоқалар орқали бошқаларнинг соғлиғини ва ҳаётини юқори хавф ҳолатига қўйгани учун ижтимоий хавфли ҳисобланади.

Н.Д. Дурманов хавф остида қолдиришнинг аҳамияти тўғрисида таъкидлашча, “улар одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита дахл қилмайди ва кўпинча одамнинг ўлимига ёки соғлиғига зарар етказилишига олиб келмайди, балки бундай зарар етказишнинг ҳақиқий таҳдиди, ҳақиқий хавфини келтириб чиқаради” [2].

Шунингдек, вирус ташувчи атрофдагиларга ўз организмнинг касаллиги сабабли эмас, балки, онгли равишда бошқа шахслар учун хавфли бўлган (таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдиришга олиб келиши мумкин бўлган маънода) ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликни (бошқа шахс билан жинсий алоқа қилиши, ўзи фойдаланган шприцни бошқа шахсга бериш ва бошқ.) содир этиш натижасида. Ўз шерикларини ҳам таносил ёки ОИВ инфекциясини юқтириш хавфи остида қолдиради.

Масалан, фуқаро А.да ОИВ инфекцияси борлиги аниқланиб, ОИВ маркази ходимлари томонидан касалликни бошқа шахсларга юқтирмаслик тартиби тушунтирилган бўлишига қарамаздан фуқаро С. билан шаръий турмуш қуриб ушбу касалликни юқтириш эҳтимоли ва муқаррарлигини олдиндан билиб, юқишига бефарқ муносабатда бўлиб, турмуш ўртоғини ўзида ушбу касаллик борлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантирмасдан, ҳимоя воситаларисиз у билан доимий равишда жинсий алоқада бўлиб, уни ОИВ инфекциясини юқтириш хавфи остида қолдирган [3].

Ушбу ҳолатда айбдор Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ–353-сон Қонуннинг 19-моддасида белгиланган (касаллиги тўғрисида жинсий шеригини хабардор этиши шарт) мажбуриятларни бажармасдан касалликни юқтириш хавфи остида қолдирган [4].

ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш жиноятининг объектив томон ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) белгиси юзасидан олимлар турли хил фикрларни билдиришган, унга кўра:

Г.Н. Борзенкова, В.С. Комисаровалар бошқа шахсни ОИВ касаллигини юқтириш хавф остида қолдиришни фаол ҳаракат орқали амалга оширилади деб ҳисоблайдилар [5].

Э.Л. Сидоренконинг фикрича, “бемор бошқа шахсга инфекцияни юқтириш хавф остига қўйиши қасддан йўналтирилган фаол ҳаракат таркибини ташкил этади” [6].

С.Ю. Норвартян [7], А.А. Тер-Акопов [8], Е.А. Иерусалимская [9] юқоридаги олимларнинг фикрига қарши фикр билдиришиб, “бошқа шахсни таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизликда содир этилади”.

Фикримизча, ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш жинояти ҳаракат натижасида содир этилсада, келиб чиқадиган оқибатга нисбатан (жинсий алоқа вақтида ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслиги, маиший буюмларни бошқалар фойдаланадиган ҳолатда қолдириши ва бошқ.) ҳаракатсизлик натижасида содир этилади. Бундан кўринадики, юқтириш хавфи остида қолдириш ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик натижасида содир этилади.

Ушбу жиноят ижтимоий хавфлилигининг иккинчи кўриниши бу ОИВ касалликни юқтириш бўлиб, ҳуқуқшунос олимлар “юқтириш” бўйича ҳам турли хил фикрлар билдирганлар, жумладан:

А.К. Теохаров фикрича “юқтириш” бу вирусни юқтириш ва унинг натижасида организмда ташувчилик, яширин инфекция ва юқумли касаллик кўринишидаги тегишли юқумли жараён шаклнинг ривожланиши орқали одамнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказиш [10].

С.В. Растропов ҳар қандай таносил касаллигини “юқтириш”га таъриф берар экан, уни “юқумли касалликлар қўзғатувчилари, токсинлар, касалликлар қўзғатувчи вируслар ва микробларнинг ўтказилиши, бунда жабрланувчининг организми уларнинг ташувчисига айланади” деб тушунади. Муаллифнинг билдирган фикрини қўйдагича талқин қилиш мумкин, “юқтириш” касаллик қўзғатувчисининг бошқа одамга ўтиши тушунилиб жабрланувчи касалликни тарқатувчи восита сифатида намоён бўлмоқда [11].

Тиббий атамаларнинг энциклопедик луғатида “юқтириш” тушунчасига қўйидагича таъриф берилган, “юқтириш” (infectio) юқумли касаллик қўзғатувчисининг одам ёки ҳайвон организмга кириб, у ёки бу шаклдаги юқумли жараённинг ривожланишига олиб келиши (касаллик, инфекция қўзғатувчиларининг ташувчанлиги)ни англатади.

ОИВ касаллигини “юқтириш” бўйича юқоридаги муаллифларнинг билдирган фикрлари шунингдек, тиббий атамалар луғатида берилган тарифлар (ўтиш, кириш ва бош.) кўринишидаги баъзи фарқларига қарамай, улар ўзининг аниқлик даражаси билан фарқланади.

Юқиш жараёни икки босқичдан иборат: юқумли касаллик қўзғатувчисининг организмга кириши ва бунинг натижасида маълум бир шаклдаги юқумли жараённинг ривожланиши.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ЖК 113-моддаси номига эътибор қаратадиган бўлсак “Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш” дея баён этилган бўлиб, мазкур моддадаги “тарқатиш” сўзининг қўлланилиши мунозарали ҳисобланади. Сабаби, мазкур модданинг диспозициясига назар ташласак, ижтимоий хавфли қилмиш иккита кўринишдан иборат, яъни касалликни юқтириш хавфи остида қолдириш ва касалликни юқтириш бундан кўринадики, “тарқатиш” тушунчаси ўз ичига касалликни юқтиришни қамраб олган бўлиб, касалликни юқтириш остида қолдириш тушунчасига нисбатан мавҳумликни келтириб чиқармоқда. Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТС ҳаво-томчи орқали юқадиган касалликлар (COVID-19, Грипп) тоифасига кирмайди. Агарда ушбу касалликлар ҳаво-томчи орқали юқадиган касалликлар тоифасига кирганда эди “тарқатиш” сўзи жорий ҳолат бўйича модданинг номланишига тўғри баён этилган ҳисобланарди.

Ҳуқуқшунос Т.Х. Курамбаев ҳуқуқни қўллаш амалиётида расмийлаштирилаётган деярли барча процессуал ҳужжатларда “юқтириш” қўлланилиб келинаётганлигини инобатга олиб, ЖК 113-моддаси номини “Таносил касаллиги ёки ОИВни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш”га ўзгартириш зарур деб ҳисоблайди [12].

Шунингдек, таҳлилларга кўра, хорижий давлатлар ЖКларида ҳам ушбу модданинг номланишида “тарқатиш” эмас, балки “юқтириш” сўзи ишлатилган. Жумладан: Россия Федерацияси (ЖК 121-122-м.) [13], Қозоғистон Республикаси (ЖК 117-118-м.) [14], Қирғизистон (ЖК 143-м.) [15], Беларус (ЖК 157-158-м.) [16], Арманистон (ЖК 123-124-м.) [17], Молдава (ЖК 211-212-м.) [18].

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар ва таҳлилларга асосан ЖК 113-моддасининг номланишида қўлланилган “тарқатиш” сўзини “юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш” сўзлари билан алмаштириш ушбу модданинг номи, модда мазмуни ва моддада назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳақиқий моҳиятини тўлиқроқ қамраб олишини таъминлайди.

Жиноят ҳуқуқи соҳаси олимлари ОИВ инфекциясини юқтириш жиноятининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши масаласида турлича фикр билдиришган. Бу борадаги қарашларни икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

биринчи гуруҳ вакиллариининг фикрича, мазкур касалликни юқтириш фақат ҳаракат орқали содир этилиши мумкин. Жумладан:

В.И. Зубакованинг фикрига кўра, “ушбу жиноятнинг объектив томи фақат бошқа одамга ОИВ инфекциясини юқтириш хавфини туғдирадиган ҳаракат орқали содир этилади” [19].

Э.В. Михайлов “таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш жинояти фақат ҳаракат орқали содир этилиши мумкин деган фикрни қўллаб-қувватлайди” [20].

Ушбу гуруҳ олимлари билдирган фикрларга қўшилмаймиз сабаби: ушбу касалликни юқтириш ҳаракатсизлик кўринишида ҳам содир этилади, яъни: шахснинг белгиланган тиббий ва профилактик чораларни кўрмаслиги, бошқаларни огоҳлантирмаслиги ва тегишли даволанишни олмаслиги, касб юзасидан ўз вазифасини бажармаслиги натижасида касалликни юқтиради. Бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш ҳаракатсизлик натижаси содир этилади.

иккинчи гуруҳ олимлари фикрига кўра таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизликда содир этилади, яъни:

Н.И. Медведова фикрига кўра “ОИВ касаллигини юқтириш фаол ҳаракатларда ҳам, ҳаракатсизликларда ҳам содир этилиши мумкин, чунки ЖК моддасида юқтириш усули ҳақида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас” [21].

С.В. Расторопов қизиқ фикр билдирди унга кўра “айбдорнинг содир этган ижтимоий хавfli қилмиши ҳаракат натижасида ҳамда айбдор жабрланувчининг номусига тегиши натижасида жабрланувчига ОИВ касаллигини юқтириши ҳаракатсизлик кўринишида содир этилади” [22].

М.И. Галюкова ва С.С. Власенколар ҳам “ОИВ касаллигини юқтириш ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик билан ифодаланиши мумкин деб ҳисоблайдилар” [23].

Фикримизча, иккинчи гуруҳ олимлари томонидан ушбу жиноятнинг объектив томон ижтимоий хавfli қилмиш белгиси тўлиқроқ ёритилган.

Хулоса сифатида айтишимиз керакки, ОИВ касаллигини юқтириш ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик натижасида содир этилади. Хусусан, ЖК 113-моддаси (4, 5-қисмлари)нинг диспозициялари матнини сўзма-сўз ифодалаганда бошқа шахсга ҳаракатсизлик йўли билан ушбу касалликни юқтирганлик учун жиноий жавобгарликнинг келиб чиқиши чекланмайди. Шунингдек, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида бошқа шахсга ушбу касалликни юқтириши, бундай ҳолатда айбдорнинг ҳаракатсизлиги (тиббиёт ходими тиббий асбобларни мажбурий тозаламаслиги, ОИВни юқтирган инсон жароҳатланиб очиқ конга кетган ҳолда, учинчи шахсларга юқтириш мумкин бўлган ҳолатда олдини олиш чораларини кўрмаганлиги) натижасида ҳам касалликни юқтириш мумкин.

Шунингдек, ушбу модданинг бешинчи қисмида белгиланган, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу ижтимоий хавfli қилмиш ҳаракатсизлик натижасида содир этилади.

Масалан, қон қуйиш маркази бош шифокори З.Х. донор сифатида рўйхатга олинган фуқаро А.нинг қон намуналарини лаборатория таҳлилларини ўтказишда фойдаланилган дозаторларнинг мувофиқлик сертификатининг муддати тугаганлигини била туриб, бундан фойдаланган натижада тест система диагностика методик қўлланмасида кўрсатилган миқдорда реактив қўшмаганлиги натижасида икки нафар фуқароларга ОИВ касаллиги юқишига сабабчи бўлган [24].

Ушбу жиноятнинг содир этиш усули турли хил бўлиши мумкин, сабаби, касаллик турли хил, шунингдек, касалликнинг юқиш йўллари (жинсий алоқа, онадан болага, шприц орқали ва бош.) ҳам ҳар бўлиши мумкин, касалликни юқтириш усуллари ушбу жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Объектив томон тузилишига кўра ОИВ касаллигини юқтириш хавfli остида қолдириш формал таркибли жиноят ҳисобланади. Ушбу ижтимоий хавfli қилмиш оқибат келиб чиқишни талаб этмайди. Оқибат келиб чиқиш хавfliни келтириб чиқарган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш моддий таркибли жиноят ҳисобланди. Жиноят таркибларининг моддий ва формал турларга бўлиниши бу жиноятнинг тамом бўлиш вақтини тўғри аниқлаш имконини беради. Моддий таркибли жиноятларда ижтимоий хавfli қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш зарур ҳисобланади.

Масалан, фуқаро Х.И.да ОИВ инфекцияси мавжудлиги (мусбат ҳолат), ОИТС инфекциясига қарши кураш бўлими томонидан тасдиқланиб, у бошқа шахсни ушбу касалликни юқтириш хавфи остида қолдирса ёки юқтирса жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Бироқ, фуқаро Х.И. мазкур огоҳлантиришга қарамасдан, фуқаро Ш.А. билан ҳимоя воситаларидан фойдаланмасдан жинсий алоқа қилиб, натижада унга ОИВ инфекциясини юқтирган [25].

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси таҳлил қилинди. Ўзбекистон тарафи шундаки, тўртинчи “ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш” ва “ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш” ижтимоий хавфлилиги турли хил бўлган иккита ижтимоий хавфли қилмиш битта қисмида назарда тутилган бўлиб, бу жиноят ҳуқуқининг асосий принципларидан бири бўлган “Одиллик” принципи қоидаларига зид ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкинки Қонун чиқарувчи ушбу модданинг ўзида таносил касаллигининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, таносил касаллигини “юқтириш хавфи остида қолдириш”ни алоҳида қисмда, таносил касаллигини “юқтириши” учун жавобгарликни алоҳида қисмда белгиланган.

Л.В. Лобанова, Р.Г. Камневларнинг фикрига кўра “ОИВ инфекциясининг инсон ҳаёти учун хавфли эканлигини ҳисобга олган ҳолда, қонун чиқарувчи фақатгина юқтириш факти учун эмас, балки шахсни ОИВ инфекцияси юқтириш хавфи остида қолдирганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган”. Шунингдек, мазкур ҳуқуқий ҳимоянинг изчил босқичларини аниқлаб берадиган асосий ва, эҳтимол, ягона объектив белгилар сифатида ОИВ-инфекцияси юқиши хавфининг реал равишда юзага келиши ҳамда юқтириш фактининг содир бўлганлиги эътироф этилиши лозимлигини таъкидлаган [26].

Қатор хорижий давлатлар ЖКнинг ОИВ касаллигини тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутилган нормаларида “ОИВ касаллигини юқтириш хавф остида қолдириш” учун алоҳида қисмида “ОИВ касаллигини юқтириш” учун алоҳида қисмида жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Беларусь (ЖК 157-м.), Қозоғистон (118-м.), Россия (122-м.), Грузия (131-м.), Арманистон (123-м.), Қирғизистон (143-м.).

Мазкур жиноят бўйича ўрганилган жиноят иши материалларида “ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш” ёки “ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш”га ҳуқуқий баҳо беришда чалкашликлар мавжудлиги кўзга ташланди.

Назаримизда юқорида таҳлил қилинган мазкур муаммоларни бартараф этиш учун, “ОИВ касаллигини юқтириш хавф остида қолдириш” учун жавобгарликни алоҳида қисмга “ОИВ касаллигини юқтириш” учун жавобгарликни алоҳида қисмда белгиланса, Одиллик принципининг бузилишига чек қўйилади. Шунингдек, тайинланадиган жазо қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлади.

ЖК 113-моддасининг 4-қисм диспозициясида белгиланган “ОИВ касаллигини юқтириш хавф остида қолдириш” ва “ОИВ касаллигини юқтириш” учун жавобгарликни алоҳида-алоҳида қисмларда белгилаш таклиф этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уголовное право России. Общая часть. / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и И.М.Тяжковой. –М.: Зерцало, 2005. –С.174.

2. Уголовное право: учебник/ под ред. И. Т. Голякова. М., 1943. С. 265; Советское уголовное право : учебник / под ред. В. Д. Меньшагина, Н. Д. Дурманова, Г. А. Кригера. М., 1975. С. 167.
3. Жиноят ишлари бўйича Кумқўрғон тумани судининг жиноят материаллари [Электрон манба]. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2013 йилдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-353-сон Қонуни [электрон манба.] URL: <https://lex.uz/docs/2240470?ONDATE=21.04.2021%2000>.
5. Курс уголовного права. Особенная часть: учебник для вузов / под ред. Г. Н. Борзенкова, В. С. Комисарова. Т. 3. М.: Зерцало-М, 2002. С. 195–196.
6. Сидоренко Э. Л. Заражение ВИЧ-инфекцией: вопросы уголовно-правовой оценки // Уголовное право. 2007. № 1. С. 59.
7. Норвартян Ю. С. О моменте окончания заражения венерической болезнью и ВИЧ-инфекцией // Общество и право. 2012. № 5 (42). С. 137.
8. Тер-Акопов А. А. Бездействие как форма преступного поведения. М. : Юрид. лит., 1980. С. 48.
9. Е.А. Иерусалимская. Заражение венерическими болезнями уголовно-правовые и криминологические аспекты: диссертация... кандидата юридических наук:12.00.08.- Ставрополь, 2002.-С.66.
10. ТEOXAPOB A.K. Прoтoвoдeйcтвo зapaжeнию инфeкциoнными зaбoлeвaниями : уoлoвнo-пpaвoвoй и кpиминoлoгичecкий аcпeкты : aвтoрeф. дис. ... кaнд. юpид. нaук. Oмcк, 2013. 12.
11. Расторопов С. В. Уголовно-правовая охрана здоровья человека от преступных посягательств : моногра-фия. 2-е изд., перераб. и доп. СПб. : Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2006. С. 238.
12. Курамбаев Т.Х. Таносил ёки ОИВ касалликлари ҳамда ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2018, -Б. 21.
13. Уголовный кодекс российской федерации. Электрон манба. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/ (мурожаат қилинган вақт: 18.11.2024).
14. Уголовный кодекс Республики казахстан. Электрон манба. URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=131;-48#pos=131;-48
15. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Электрон манба. URL: <https://mvd.gov.kg/rus/ministry/normative-bases/22>
16. Уголовный кодекс Республики Беларусь. Электрон манба. URL: <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>
17. Уголовный кодекс Республики Армения. Электрон манба. URL: <https://hrlib.kz/document/176585>.
18. Уголовный кодекс Республики Молдова URL:https://continentline.com/Document/?doc_id=30394923#pos=311;-45.
19. Зубкова В.И. Ответственность за преступления против личности по законодательству России. – М.: Норма, 2005. – С. 151-152

20. Михайлов В. Є. Кримінальна відповідальність за зараження вірусом імунодефіциту людини чи іншої невиліковної інфекційної хвороби: соціальна обумовленість та склад злочину: монографія / Х.: Право, 2011. С. 159.

21. Медведева Н.И. Преступления, ставящие в опасность жизнь и здоровье личности в системе преступлений против здоровья: Автореф. дис..... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 20. Аналогичный тезис подчеркивается и СВ. Растороповым, см.: Расторопов С.В: Уголовно-правовая, охрана здоровья человека от преступных посягательств: Монография. 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2006. – С. 280

22. Расторопов СВ. Уголовно-правовая охрана здоровья человека от преступных посягательств: Монография. 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2006. – С. 291.

23. Галюкова М. И. Особенности уголовно-правовой защиты человека от заражения ВИЧ-инфекцией. С. 35; Власенко С. С. Указ. соч. С. 67.

24. Жиноий ишлари бўйича Наманган шаҳар суд архивидан, жиноят иши [электрон манба.]. URL: <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>

25. Жиноят ишлари бўйича Ангрен туман суди 1-1104-2202/234-сонли жиноят иши. электрон манба. URL: <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.

26. Лобанова Л. В., Камнев Р. Г. Уголовно-правовое значение возможного заражения ВИЧ инфекцией // Российская юстиция. – 2008. – № 3. – С. 21-25.